

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

387 Божхона органлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, божхона органлари, энг аввало, божхона постлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тизимини уларнинг тоифаларини, амалдаги юклама ҳажмларини ва иш шaroитларини ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2011 йил 1 октябрдан бошлаб тоифалардан ташқари божхона постларининг ходимларининг тариф разрядларини Давлат божхона қўмитаси ходимлари лавозим маошлари Ягона тариф сеткасининг 2 тариф разрядига, биринчи тоифали божхона постлари ходимларининг тариф разрядларини 1 тариф разрядига ошириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. 2011 йил 1 октябрдан бошлаб божхона органлари ходимларининг лавозим маошларига устамалар юклама ҳажминини ва иш шaroитларини ҳисобга олган ҳолда:

тоифалардан ташқари божхона постларида — лавозим маошининг 70 фоизи миқдорида;

биринчи тоифали постларда — лавозим маошининг 25 фоизи миқдорида;

иккинчи тоифали постларда — лавозим маошининг 15 фоизи миқдорида;

божхона постининг тоифасидан қатъи назар, алоҳида шaroитлардаги божхона постларида хизматни ўтаётганлик учун (кинология гуруҳлари ва юкларни божхона кўригидан ўтказиш гуруҳлари учун), шунингдек Миллий кинология маркази ходимлари учун — лавозим маошининг 20 фоизи миқдорида белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона органларини ривожлантириш жамғармаси тузилмасида Махсус мукофот жамғармаси ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин, Божхона органларини ри-

вожлантириш жамғармаси умумий тушумларининг 25 фоизгачаси уни шакл-лантиришнинг манбалари этиб белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисига Мукофот жамғармаси маблағларидан божхона органлари ходимларини қўйидаги:

товарларни божхона чегараси орқали ноқонуний ўтказиш ҳолатларини аниқлаганлиги ва уларнинг олдини олганлиги, уларни давлат даромадига ўтказганлиги учун — мусодара қилинган товарлар қийматига кўра лавозим маошининг 1 бараваридан 10 бараваригача;

четдан олиб келиш ва четга чиқариш тақиқланган товарларни божхона чегараси орқали ўтказиш ҳолатларини аниқлаганлиги ва уларнинг олдини олганлиги учун — лавозим маошининг 3 бараваридан 10 бараваригача миқдорда мукофотлаш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жорий йилда ушбу қарорни бажариш билан боғлиқ харажатларни 2011 йилги Давлат бюджетининг «бошқа харажатлар» бўлими бўйича тасдиқланган параметрлари доирасида молиялаштирсин, 2012 йилдан бошлаб эса — Давлат бюджети параметрларида зарур маблағларни назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 16 сентябрь,
263-сон